

Аҳмедова Дилфуз Рафукжановна  
ТДШИ, филология фанлари номзоди,  
Эрон-афғон филологияси кафедраси  
катта илмий ходим изланувчи

## ЭРОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБЛАР ТАСНИФИННИГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада Эрон тилшунослигидага функционал услублар таснифида ўзига хос йўналиши мавжудлигини ёритилган. Мақоладан кўзланган мақсад форс тили функционал услублари таснифини ўрганиши ҳамда таснифлар ўртасидаги фарқ ва ўхшаши жиҳатларини таҳлил қилишдан иборат.

**Аннотация.** Данная статья освещает своеобразное направление в классификации функциональных стилей в Иранском языкоznании. Цель статьи изучить классификации функциональных стилей персидского языка, а также исследовать их отличительные и аналогичные стороны.

**Abstract.** This article lights a peculiar direction in classification of functional styles in the Iranian linguistics. The purpose of article to study classifications of functional styles of Persian, and also to investigate their distinctive and similar parties.

Тилнинг доимий тараққиёти, турли функционал услублар олдида турган вазифа ва мақсаднинг ўзгариши натижасида, нутқнинг услубий бўлинишини бир турғун догма сифатида тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабли назарий стилистикада услубларни ажратишнинг ягона мезони мавжуд эмас. Шунга қарамай, жамиятда ва тилда юз бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда нутқ функционал услубларга бўлиниши зарур.

Услубни ажратиш тилда талқин қилишга боғлиқ. Тилни аниқлаш учун мавжуд вариативлар бўлгани каби, “услуб”ни аниқлаш ҳам фарқланади.

Ҳар қандай тил ўз сўз бойлигига, маълум микдордаги тил бирликларига эга. Ҳар бир конкрет тилдаги муайян даврда мавжуд бўлган сўзлар йиғиндиси ўша тилнинг луғат составини ташкил этади. Тилнинг луғат состави бирор конкрет тилдаги бутун сўз бойлигини ўзида мужассамлаштирувчи ҳодиса сифатида тил лексикаси, тилнинг лексик системаси тушунчаларига мос келади<sup>1</sup>.

Тил луғат составидаги сўзларни нутқнинг конкрет қўринишларига кўра маълум системали гуруҳларга ажратиб ўрганиш тилшуносликда кенг тарқалган усулдир. Сўзларнинг нутқнинг конкрет қўринишларига хосланиши тил луғат составининг мураккаб лингвистик муносабатлар системаси экиндан далолат берувчи муҳим белгидир. Бундай хосланиш услубий талаблар, эҳтиёжлар натижасидир. Конкрет нутқий жараёнлар, изхор

<sup>1</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. - Тошкент: Фан, 1985. – Б. 6.

этилаётган мақсад, нутқ сўзланаётган шароит, нутқ эгасининг ижтимоий-сиёсий қарашлари, муайян тарихий давр, нутқ формаси, коммуникация ва бошқалар сўзловчи олдига маълум талабларни қўяди. Бу талаблар нутқнинг мазмуни ва шаклини белгилайди. Нутқнинг характерига қараб конкрет нутққа хос лингвистик воситалар танланади ва коммуникация жараёнида ишга солинади. Нутқнинг конкрет типи шаклланишида лексик бирликларни ўринли танлаш муҳим аҳамиятга эгадир<sup>2</sup>.

Стиль, яъни услуг термини жуда қадим замонлардан буён ишлатиб келинаётган бўлиб, у турли даврларда турли соҳаларда турлича тушунилди ва изоҳланди. Аслида *стиль* грекча *stulos* сўзидан олинган бўлиб, ёзиш учун ишлатиладиган учи ўткирлаштирилган таёқчани билдирган. Қадимги римликлар, грецияликлар услугга кишиларни ишонтириш санъати сифатида қараганлар. Ҳиндлар уни нутқни безаш воситаси деб билган бўлсалар, араблар бу сўз билан ўзларининг диний эътиқод ва қоидаларига тўғри келадиган кийимларини ҳам атаган эдилар. “Стиль” сўзининг филологик термин сифатида ишлатилиши кейинги асрлардагина бошланди. Кўплаб адабиётшунос ва тилшунос олимлар мазкур тушунчага таъриф беришга ҳаракат қилганлар. Бу таърифларда бир-бирига қарама-қарши фикрлар, масалага турлича ёндашишлар ҳам йўқ эмас. Тилшунос олимларнинг кўпчилиги кейинги йилларда тан олганлариdek, В.В.Виноградов томонидан берилган таъриф бу ҳодисанинг табиатини анча дуруст ва тўғри очиб беради: “Услуб – бу жамоатчилик томонидан англаб етилган, вазифавий жиҳатдан келишилган (шартлашилган), кўлланиш воситаларининг ички уюшган (бирлашган) услуг йиғиндиси, нутқий муомала воситаларининг у ёки бу умумхалқ, умуммиллий тил доирасида, ифоданинг ижтимоий нутқ амалиётида худди шундай бошқа вазифани бажарадиган, маълум мақсадга хизмат қиласиган воситаларга нисбатан танланиши ва уйғуланишидир”. Ўзбек тилшунослигида баъзи асарларда услуг деганда маълум бир ёзувчининг воқеа-ҳодисани бадиий тасвирлаш тарзи, тил фактларига мурожаат қилишдаги ўзига хос хусусияти назарда тутилса, иккинчи бир хилларида сўзлар, грамматик шакллар ва синтактик қурилмаларнинг кўчма маъноларида ишлатилиши услубий ҳодиса сифатида талқин қилинади.<sup>3</sup>.

Илмий адабиётларда, дарсликларда вазифавий услубларга нисбатан “тил стиллари”, “нутқ стиллари”, “функционал нутқ стили”, “тилнинг стили”, “нутқнинг стили” каби терминлар ишлатилади. Тил ва нутқ услублари, уларнинг таркиби, бу услубларнинг фарқлари, мезонлари, оғзаки сўзлашув нутқи, бадиий адабиёт тилининг услубий мақоми масалаларида ҳам олимлар бир фикрга келишган эмас. Кўпгина асраларда “тилнинг функционал стиллари”, “нутқнинг функционал стиллари” тушунчалари бир хил ҳодиса сифатида тушунилади ва тушунтирилади. Аслида эса бир-бирларидан фарқ киласиди.

<sup>2</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик катламлари. - Тошкент: Фан, 1985. – Б. 28.

<sup>3</sup> Р.Кўнгурев, Ё.Тожиев, Э.Бегматов. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент, 1992. – Б. 73-76.

Ҳозирги вақтда тилшуносликда тил услублари таснифида вазифавий услублар (функционал стиллар) тан олинади. Ҳар бир алоҳида олинган услуб (функционал стиль) ўзининг услубий бўёғи билан бошқа услублар учун хос бўлган тил бирликларидан фарқ қиласиган, у ёки бу даражада улар билан услубий рақобат хосил қиласиган маълум бир системага эга бўлади.

Тил услублари қуйидаги турлари ажратилади: 1) сўзлашув нутқ услуби (тилинг алоқа-аралашув функцияси), 2) илмий услуб, 3) расмий иш қоғозлари услуби (тилнинг хабар, ахборот бериш функцияси), 4) публицистик услуб, 5) адабий-бадиий нутқ услуби (тилнинг таъсир қилиш, тарғибот, ташвиқот функцияси).

Гарчанд тил стиллари ҳар бир тилнинг фонетик, грамматик ва лекисик системасига таянган ҳолда шаклланса-да, уларнинг фарқланишидаги асосий ўлчов нутқ жараёни эканлиги, яъни тил бирликларининг амалда бўлиш қонуниятига мувофиқ келувчи қоидалар эканлигини унутиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, М.Н.Кожина таъкидлаганидек, нутқий фаолият ва тилнинг функционал томони билан боғланган тил стиллари ва нутқ стилларини қарама-қарши қўйиш муаммоси олиб ташланиши ва уларни доимо биргаликда, диалектик алоқадорликда олиб қарашни тақозо қиласиди<sup>4</sup>.

Ҳозирги кунда Эрон тилшунослигига стилистикага оид қатор тадқиқотларни кузатиш мумкин<sup>5</sup>. Форс тили стилистикасига оид энг машҳур асар Малик уш-шуаро Баҳорнинг З жилдан иборат “سبکشناسی” асаридир<sup>6</sup>. سبکشناسی زبان و شعر “بيان و معانی”<sup>7</sup>, Каюмарс Кейвоннинг فارسی<sup>8</sup> асарлари ҳам мазкур соҳада амалга оширилган тадқиқотлар сирасига киради.

Доктор Фатухийнинг سبک و سبکشناسی<sup>9</sup>, Мехди Бокерийнинг پیشینه سبک و سبکشناسی<sup>10</sup> асарларининг ўзига хос жиҳати уларда стилистика назарияси ва стилистика бўлимлари, ғарб тилшунослари ва тадқиқотчиларининг назарий фикрларини эрон тилшунослигига мослаштириб, эрон тилшунослигига мавжуд назариялар билан таққослаб тадқиқ этилган. Бу асарларни тилшунослик ва адабиётшунослик ўртасидаги кўприкка тенглаштириш мумкин. Яъни, уларда эрон тилшунослигига мавжуд анъанавий адабий стилистика билан чегараланмай, стилистикага тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам ёндашилиб, стилистика нима деган саволга жавоб бериш билан бирга, унинг бошқа фанлар билан алоқаси ҳам муфассал ёритилган.

Эрон тилшунослигига стилистикага адабиётнинг бир соҳаси сифатида қаралади. سبک терминини ҳозирги кун адиллари назм ёки насрнинг ўзига хос

<sup>4</sup> Кожина М.Н. Стилистика русского языка. – М., 1983. – с. 56.

<sup>5</sup> چشم انداز سبکپژوهی در زبان فارسی <http://farsi.blogfa.com>.

<sup>6</sup> محمد تقی بهار ملک الشعراء سبک شناسی. تهران 1349

<sup>7</sup> دکتر سیروس شمیسا. بيان و معانی. تهران 1995.

<sup>8</sup> کیومرس کیوان. سبکشناسی زبان و شعر فارسی. تهران 1377.

<sup>9</sup> دکتر قتوحی. سبکشناسی. تهران 1394.

<sup>10</sup> مهدی باقری. پیشینه سبک و سبکشناسی علمی در اروپا و ایران. تهران 1390.

тури маъносида қўллайдилар ва деярли уни ғарб тилидаги “Style” билан тенглаштирадилар. Стилистика тилдаги турли услублар функциясини ўрганувчи тармоқ сифатида талқин қилинади. Стилистиканни тилшуносликнинг алоҳида бир бўлими сифатида эмас, балки турли бўлимлардан иборат тармоқ сифатида қараш керак деган фикр илгари сурилади<sup>11</sup>.

Юқорида таъкидлаб ўтилган асарларни ўрганиб чиқиш жараёнида, XX асрнинг охиригача бўлган давр мобайнида стилистика бўйича яратилган асарлар асосан адабий стилистика, яъни адабий жанрлар стилистикасига бағишиланганинг гувоҳи бўлиш мумкин. Эрон тилшунослигида услуб адабий термин сифатида мос сўз ва иборларни танлаб ўз фикрини баён этишнинг ўзига хос тарзи маъносини англатади.

XX аср охири XXI аср бошларида Эрон тилшунослигида стилистикага янгича ёндашув кузатилади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, стилистикага тилшунослик жиҳатидан ёндашилган асарлар асосан ғарб олимлари тадқиқотлари таржимасидан иборат.

Форс тилида услуб борасида баҳс кетганда меъёрий тил билан боғланган ҳолда фикр юритилади. Меъёрий тилга Эрон олимлари турлича таъриф келтирадилар. Биз уларнинг таърифларига чукур тўхтамай, фақат стилистика билан боғлик фикрларинигина таҳлилга тортамиз.

Меъёрий тилга таъриф беришнинг қийинчиликларидан бири унда расмий, муштарак, миллий ва ёзма тилнинг элементлари ҳам мавжудлиги билан белгиланади. Баъзи тилшунослар кўпроқ ёзма тилга аҳамият қаратиб, меъёрий тилга таъриф беришда кўпроқ ёзма тил билан боғлаган, оғзаки тилни эътибордан четда қолдирган ҳолда таъриф берадилар. Лекин баъзи олимлар аксинча меъёрий тилга таъриф беришда уни расмий ёки муштарак тил (лингва франка)га яқинлаштирадилар.

Меъёрий тил жамият тарафидан қабул қилинган, таълим муассасалари, матбуот, оммавий ахборот воситалари, расмий музокараларда, олий маълумотли ҳамда юқори табақали кишилар томонидан қўлланувчи тилнинг ёзма ва оғзаки кўринишидир<sup>12</sup>. Олимларнин фикрича меъёрий тил мутлақ тушунча эмас, балки нисбий тушунча бўлиб, ҳар бир нутқ ёки ёзма матнни меъёрий тилга яқинлаштириш ёки узоклаштириш мумкин.

Юқорида келтирилган таъриф асосан ёзма меъёрий тилга хос. Лекин бу озаки тил ўзига хос хусусиятларга эга эмас деган маънони англатмайди. Тилшунослик нуқтаи назаридан оғзаки тил тилнинг илк ва асл кўриниши саналади. Муаллифнинг таҳлилига кўра газета матнлари тайёрланиши жараёнида ёзма меъёрий тил қўлланади, лекин интервью жараёнида мақола тайёрлашда оғзаки тил қўлланади. Мақола билан танишиш жараёнида

<sup>11</sup> قاعدة سبکشناسی <http://farsigr.styl.com>.

<sup>12</sup> والی رضایی. زبان معیار چیست و چه ویژگی هایی دارد؟ (زبان رسانه – مجموعه مقالات). تهران، مهر ۱۳۸۸. ص. ۷۵.

меъёрий тил икки хил ёзма ва оғзакига бўлиниш маълум бўлади. Яна расмий тилнинг ҳам ёзма ва оғзаки шакллари ажратилган<sup>13</sup>.

Форс тилида “услуб” گоне карбреди, گөвие, سیاق, سبک терминлари орқали ифодаланади. Сиёқ (стиль) матн ёки сўзнинг хусусиятларига боғлиқ туридир. Бир бадиий ёки илмий матн бир хил эмас. Услуб (сиёқ) турларига қараб расмий, газета, спорт, илмий, тижорий, бадиий турларга бўлинади. Бу услугларда қўлланувчи тилнинг хусусиятлари бир биридан фарқ қиласди. Ҳар бир услугуб ўзига хос жиҳатларга эга. Масалан, спорт услугида бадиий услуг воситалари, ёки сиёсий услугда спорт услуги воситаларини қўллаш меъёрий тил қоидаларини бузиш бўлади. Ҳар бир услуг меъёрий форс тилида ўзига хос хусусиятларга эга. Илмий услугга (сиёқ) аниқлик, қисқалик хос бўлса, бадиий услугга мажоз ва киноя, тасвирий воситаларнинг кенг қўлланиши хос. Тилни расмий ва норасмийга бўлиш мумкин. Тил алоқалари, расмий ҳолатда жиддий, норасмий ҳолатда эса дўстона ва самимийликни ўзида мужассам этади.

Эрон тилшунослигидә услугбнинг турли таснифи мавжудлигининг сбк бўлиш мумкин. Масалан, бир таснифда “юқори услуг”<sup>14</sup>, сбк бала “сбк юқори услуг”<sup>15</sup> ва сбк қўйи услуглар<sup>16</sup>, бошқа бирида “мتوسط ўрта услуг”<sup>17</sup>, сбк علمى қўйи услуглар<sup>18</sup>, сбк ғимане “адби услуг”, сбк оғзаки услуг<sup>19</sup>, сбк “илмий услуг”, яна бирида эса “юқори услуг”<sup>20</sup>, сбк “кодкане رسمي”, сбк “болалар услугби”<sup>21</sup>, сбк “расмий услуг”, сбк “ниме رسمي”, сбк “ярим расмий услуг”, сбк “сўзлашув услугби” ва сбк “оддий халқ тили услугби”<sup>22</sup>лари<sup>23</sup>, сбк “маъмурий услуг”, сбк “адарий услуг”, сбк “тадқиқатчиий услуг”, сбк “юридик услуг”, сбк “таълим услугби”, сбк “юридик услуг”, сбк “расмий услуг”, сбк “тадқиқатчиий услуг”, сбк “адарий услуг”, сбк “маъмурий услуг”, сбк “оддий халқ тили услугби”, сбк “сўзлашув услугби (просторечный стиль)”, сбк “сўзлашув услугби (намунавий стиль)”, сбк “юқори услуг”, сбк “юқори услуг”<sup>24</sup> лар ажратилди.

Услуб таснифида яқдиллик мавжуд бўлмасада, уларни таҳлил қилиш жараёнида улар орасида умумийлик мавжудлиги, бир услуб турли номлар билан берилгани ёки бир услуб бир неча гурухларга ажратилган таснифини кўриш мумкин. Услубни ажратишда қўйидагилар асос қилиб олинган: сўзловчи ва тингловчи муносабати, уларнинг ижтимоий фарқланиши, замон ва маконда жойлашуви, чунки сўзловчи қайси пайт ва жойда сўзлаётганига қараб услуб тури белгиланади ва қўланади. Масалан, бир журналист оддий кишидан интервью олганда бошқа услубда, юқори мансабдор шахс, масалан президент билан интервью жараёнида бошқа услубда сўзлашади. Ҳар икки ҳолатда ҳам журналист меъёрий тилни қўллади, лекин ҳар икки ҳолатда

<sup>13</sup> والی رضایی. زبان معیار چیست و چه ویژگی هایی دارد؟ (زبان رسانه - مجموعه مقالات). تهران، مهر 1388. ص. 77.

<sup>14</sup> قاعدة سبکشناسی <http://farsigr.styl.com>.

زبان معیار نوشتاری و گونه‌های آن . تهران ۱۳۹۴<sup>۱۵</sup>

<sup>16</sup> علی افخمی، سید حسین الدین قاسمی. سبکهای زبانی در فارسی و نمود ادبی (بیو-هش زبانهای خارجی). شماره ۵۵. تهران، ۱۳۸۸. ص. ۷

<sup>17</sup> فر هاد ساسانی، زبان معتبر و پوسته اگر کوئه های زبانی معتبر (با توجه به شنون رایج) بودند، آنها را می خواستند و می خواهند (بر این اساس) معمولی ندانند.

۴۷- میرزا پیغمبر میرزا رحیم میرزا (بے شوون رائے گیوی)۔ (مکتبہ رئیس - مطبوعات ملی)۔ چکن، میرزا، ۱۹۸۶۔

<sup>18</sup> رکنیت حسن بن القفار، الگوهاء، عبد معنار، در زبان، مطبوعه عاتی تهران ۱۳۸۵ هـ، ۱۰۱ ص.

.101 .

№2, 20

ўзига хос сўз ва бирикмалар, ўзига хос талаффуз шаклини қўллади. Демак услугуб таснифида сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий фосиласига қараб муносиб услугуб танланади.

“سبك پاينى يۈركۈمىسىن”<sup>19</sup> “بىلاڭ يۈرتمىسىن”<sup>20</sup> “بىلاڭ يۈرتمىسىن”<sup>21</sup> таснифида юкори услугга расмий ва меъерий тилга хос услублар, ўрта услугга замонавий адабиёт намуналари, пьеса, шеърлар, куйи услугга эса оғзаки тил ва шевалар мансуб. Ўрта услугга айнан замонавий адабиёт намуналари киритилишини муаллиф қуйидагича изоҳалайди: замонавий адабиёт намуналари ҳисобланган шеър ва пъесаларда меъерий тил билан бир қаторда оғзаки тил намуналари ҳам қўлланиши мумкин. Шу сабабли булар ўрта услугга киритилади<sup>19</sup>.

Али Афхами ҳамда Сайдзиёуддин Қосемилар фикрича ҳар бир шахс ўзининг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда маълум қолипдаги баён усулини қўллайди. Лекин асосан меъёрий тил хусусиятларига яқин услубдан фойдаланади. Ҳар бир услуб меъёрий тил билан чамбарчас боғлиқ. Масалан “*айтмоқ*” маъносини, عرض کردن, گفتن “*келмоқ*” маъносини شرفیاب شدن, تشریف آوردن, خدمت رسیدن, آمدن феъллари орқали ифодалаш мумкин. Бу феъллар бир маънони англатсада, улар турли услубларда қўлланади. Форс тилидаги кўп феъллар расмий ва норасмий шаклларга эга<sup>20</sup>. Рسمى, محترمانه سبک “юқори услуб”, محاوره اي “ярим расмий услуг”, نieme رسمي “расмий услуг”, сўзлашув услуги” ва “оддий ҳалқ тили услуги”лари таснифи қуйидагича изоҳланади:

**Себк** – расмий услуг. Бу услуг асосини мейёрий тил ташкил этади. Бу услуг Эроннинг бошқарув органлари, таълим муассасларида, илмий ва адабий асарлар ёзишда кўлланади.

**سبک نیه رسمي** – ярим расмий услугб. Бу услугб ҳам расмий ҳам сўзлашув услуги хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Бу услугбни дарс мобайнида ўқитувчилар, ходимлар бошлиқ билан сухбатлари давомида қўллайдилар.

**سبک محاوره ای** - сўзлашув услуби. Бу услубда расмийлик ярим расмий услугга нисбатан камроқ. Ярим расмий услубда хурмат тарзида 2-шахс кўплик қўлланса, бу услубда асосан 2-шахс бирлик қўлланади. Шу билан бирга бу услубда илмий ва техникавий терминлар, расмий услугга хос элементлар умуман кузатилмайди.

<sup>19</sup> قواعد سبک‌شناسی <http://farsigr.styl.com>.

<sup>20</sup> علی افخمی، سید عضدالدین قاسمی. سبکهای زبانی در فارسی و نمود ادبی (پژوهش زبانهای خارجی). شماره ۵۵. تهران، ۱۳۸۸. ص. ۱۲.

**سبک عاميانه** – оддий халқ тили услуби. Бу услуб кўча ва бозор услуби ҳам деб номланади. Бу услубдан жамиятнинг энг паст табақалари фойдаланади. Шу билан бирган бу услуб дўстлар, эр хотин, ота бола муносабтларида ҳам қўлланади. Бу услубда қўлланувчи баъзи сўз ва иборалар бошқа услубларда умуман учрамайди<sup>21</sup>.

Юқорида келтирилган таснифда ёш, жинс, ижтимоий табақа, маълумот, касб, мазҳаб тил услугларини вужудга келтирувчи ижтимоий омиллар сифатида назарда тутилади. Ҳар бир тил бирор нарсани баён қилишда ўзига хос имкониятларга эга. Бу эса сўзловчининг шахси, ижтимоий, жуғрофий ҳолати ва унинг баён қилишда қўллайдиган усулларидан келиб чиқиб тил услуглари ажратилган. Услуб мулоқот жараёнида расмийлик мезонларига асосланиб, сұхбатдошга нисбатан самимийлик мезонидан келиб чиқиб, унинг ижтимоий фосиласига қараб мулоқот давомида турли хатоликларга йўл қўймасликлари учун зарур деган хулоса келиб чиқади.

Фарҳод Сосоний қудрат, ўзаро алоқа, жинс, табақа, ижтимоий мавқе, маълумот, расмийлик, самимилик, илмилик каби омиллардан келиб чиқиб “маъмурий услуг”<sup>22</sup>, “юридик услуг”, “расмий услуг”<sup>23</sup>, “говиye حقوقى”, “тaълим услуги”, “cүзлашув услуги”<sup>24</sup>, “оддий халқ усуби (просторечный стиль)”, “говиye баزارى (простонародный стиль)”<sup>25</sup>ни ажратади<sup>22</sup>.

“СБК МТВОСТ”<sup>23</sup> “СБК (хенри я номоне) УАЛЫ” “ҮРТА УСЛУБ” “СБК ЧУЙИ УСЛУБ” таснифида юқори услуг ижтимоий-сиёсий соха вакиллари, диний уламо ҳамда адиллар тили сифатида талқин қилинса, үрта услуг шу тилнинг бадиий безаксиз шакли, қуии услуг эса оғзаки тил элементларини ўзида мужассам этган услуг сифатида кўрилади. Юқоридаги тасниф билан бир қаторда муаллиф меъёрий тилни ёзма ва оғзаки меъёрий тил гурухларига ажратиб, ёзма тилга илмий, бадиий, расмий, болалар ва матбуот услугини киритади<sup>23</sup>.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Эрон тилшунослигида тил услублари таснифи меъёрий тил нормаларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Эрон тилшунослигида тил услублари таснифида тилнинг функционал хусусиятларидан келиб чиқиб эмас, ижтимоий омилларга таянган ҳолада таснифланишини услуг таснифининг ўзига хос жиҳатлари сифатида кўрсатиш мумкин. Тил услублари таснифида бир хиллик кузатилмасада, турли номлар остида бир маъно акс этишини кўриш мумкин. Тахлиллар натижасида Эрон тилшунослигида Зта услуг, юқори, ўрта ва қуий услуг мавжуд деган хулоса келиб чиқади.

<sup>21</sup> علی افخمی، سید ضیا الدین قاسمی. سبکهای زبانی در فارسی و نمود ادبی (پژوهش زبانهای خارجی). شماره ۵۵. تهران، ۱۳۸۸. ص. ۱۵.

<sup>22</sup> فرهاد ساسانی. زبان معیار و پیوستار کونه های زبانی معیار (با توجه به متون رادیویی). (زبان رسانه - مجموعه مقالات). تهران، ۱۳۸۸. ص. ۴۷

<sup>23</sup> دکتر حسن ذوالفقاری. الگوهای غیرمعیار در زبان مطبوعات. تهران 1385. ص. 121.